ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSC.27.06.2017.FM.01.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ҚАЛАНДАРОВ АЗИЗ АБДУҚАЮМОВИЧ

ИЗОТРОП ВА АНИЗОТРОП ЖИСМЛАР УЧУН ТЕРМОЭЛАСТИК МАСАЛАЛАРНИ СОНЛИ МОДЕЛЛАШТИРИШ

05.01.07-Математик моделлаштириш. Сонли усуллар ва дастурлар мажмуи

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ - 2019

УДК: 519.63 (575.1)

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on physical-mathematical sciences

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSC.27.06.2017.FM.01.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ҚАЛАНДАРОВ АЗИЗ АБДУҚАЮМОВИЧ

ИЗОТРОП ВА АНИЗОТРОП ЖИСМЛАР УЧУН ТЕРМОЭЛАСТИК МАСАЛАЛАРНИ СОНЛИ МОДЕЛЛАШТИРИШ

05.01.07- Математик моделлаштириш. Сонли усуллар ва дастурлар мажмуи

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ - 2019

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2019.1.PhD/FM323 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.ik-fizmat.nuu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Халджигитов Абдували Абдисаматович** физика-математика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Алоев Рахматилло Джураевич** физика-математика фанлари доктори, профессор
	Абиров Рустам Абдуллаевич физика-математика фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	**Қарши давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.FM.01.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «___»_________ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси,4-уй. Тел.: (+99871) 227-12-24, факс: (+99871) 246-53-21, e-mail: nauka@nuu.uz.)

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99871) 246-02-24).

Диссертация автореферати 2019 йил «___»_________ куни тарқатилди.
(2019 йил 29 июндаги 13 рақамли реестр баённомаси).

А.Р.Марахимов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

З.Р.Рахмонов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.д.

М.Арипов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида олиб борилаётган кўплаб илмий-амалий тадқиқотлар, аксарият ҳолларда, изотроп ва анизотроп жисмлар учун термоэластик боғлиқ ёки боғлиқ бўлмаган чегаравий масалаларни ечиш, иссиқликнинг тарқалишини ва унинг жисмларнинг кучланганлик ва деформацияланиш ҳолатларига таъсирини баҳолаш масалаларига келтирилади. Термоэластик жараёнлар ва уларнинг математик моделлари, амалий математика, ҳисоблаш математикаси, математик моделлаштириш ва объектга йўналтирилган дастурлаш каби соҳалардаги тадқиқотларнинг объектидир. Чекли-айирмали усуллар термоэластик масалаларни сонли ечишда ва конструкциялар элементларининг ишончлилигини аниқлашда асос сифатида хизмат қилади. Шу сабабли, жисмларда иссиқлик тарқалиши жараёнини кучланишлар, деформациялар ва температурани, ҳамда электромагнит ва пьезоэлектрик хусусиятларни назарда тутган ҳолда сонли ечиш алгоритмлари ва амалий дастурлар мажмуасини яратиш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги кунда жаҳонда термоэластик масалаларни сонли ечишда чекли-айирмали усуллардан, ошкор ва ошкормас айирмали схемалардан фойдаланган ҳолда ҳисоблашларни амалга ошириш амалий математиканинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Бу ҳолда жисмларда иссиқликнинг тарқалиши ва бунинг натижасида кучланишлар, деформациялар ва бошқа майдонларнинг пайдо бўлишини ҳисоблашни чекли-айирмали усуллар воситасида амалга ошириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу сабабли изотроп ва анизотроп жисмлар учун термоэластик масалаларнинг сонли моделларини қуриш ва кенг доирадаги фойдаланувчиларга мўлжалланган қулай интерфейсга эга дастурлар мажмуасини яратиш мақсадли илмий тадқиқотлардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда фундаментал фанларнинг илмий ва амалий тадбиқига эга бўлган амалий математиканинг долзарб йўналишларига эътибор кучайтирилди. Жумладан, эластиклик ва термоэластиклик назариялари масалаларини сонли ечишда чекли айирмали методлар, ошкор ва ошкормас айирмали схемалардан фойдаланиш, чекли-айирмали тенгламаларни итерацион усулда ечишга алоҳида эътибор қаратилди. Термоэластик жараёнларни тадқиқ қилиш ва долзарб назарий ҳамда амалий масалаларни ечишда республика ва чет элдаги мутахассислар томонидан долзарблиги эътироф этилган натижалар олинди. “Математик физика, амалий математика ва математик моделлаштириш” фанларининг устувор йўналишлари бўйича халқаро стандартлар даражасида илмий тадқиқотлар олиб бориш асосий вазифалар ва фаолият йўналишлари этиб белгиланди[1]. Қарор ижросини таъминлашда термоэластик жараёнларни математик моделлаштириш назариясини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг янгидан ташкил этилган илмий тадқиқот муассасалари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 292-сонли қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантриш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2018 йил 27 апрелдаги ПҚ-3682-сон «Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалиётга жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2019 йил 24 май куни Ўзбекистон Миллий университетида таълим ва илм-фан соҳаси вакиллари билан бўлиб ўтган учрашувидаги маърузаси ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Математика, механика ва информатика» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Иссиқлик тарқалиш жараёнини ифодаловчи математик моделлар энг аввал Дюгамель–Нейманнинг ишларида қаралган, ва бунда тўлиқ деформация эластик деформация ва иссиқлик кенгайишидан иборат деб фараз қилинган. Термоэластикликнинг асосий моделлари ва методларини ўрганишга В.Г.Карнаухов, А.Д.Коваленко ва бошқаларнинг ишлари бағишланган. Деформацияланувчи қаттиқ жисмларнинг термомеханик ҳолатини ташқи механик кучлар, иссиқлик ва электромагнит майдонларни ҳисобга олган ҳолда ўрганиш масалалари С.А.Амбарцумян, А.Н.Гузь, Ф.Г.Махорт, В.Новацкий, В.З.Партон, Б.А.Кудрявцев, В.И.Дресвянников ва бошқаларнинг илмий ишларида тадқиқ қилинган.

Термо қовушқоқэластик муҳитлар учун термоэластик масалалар А.А.Ильюшин, Б.Е.Победря, В.Г.Карнаухов, И.К.Сенченков, Б.П.Гуменюк, И.Ф.Киричок, Ю.Н.Шевченко, Ю.Г.Савченко, А.Д.Коваленко ва бошқаларнинг ишларида ўрганилган. Хусусан тешик ва ёриқлари мавжуд бўлган изотроп ва анизотроп жисмлар учун иссиқлик тарқалиши ва термоэластик масалаларни турли хил аналитик ва сонли усуллар асосида ечиш билан В.В.Дудко, В.А.Клименко, Г.С.Кит, А.С.Космодамианский, Г.Н.Савин, В.Н.Шоповалов ва бошқалар шуғулланган. Термопластик ва термоқовушқоқпластик масалаларнинг назарияси ва ҳисоблаш усулларини ишлаб чиқишга Ю.Н.Шевченко ва бошқаларнинг ишлари бағишланган.

Термодинамик қонуниятлар доирасида, термоэластик боғлиқ масалалар M.Biot, В.Новацкий, Б.Е.Победря, В.Г.Карнаухов, H.M.Youssef ва бошқаларнинг ишларида кўриб чиқилган. Термоэластикликнинг боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган масалалари техник жараёнларни ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Вариацион–айирмали усуллар ва чекли айирмали тенгламаларни итерацион усулда ечишни тадқиқ қилишда А.А.Самарский, Е.С.Николаев, И.Г.Белухина, Б.Е.Победря ва бошқалар илмий изланишлар олиб боришган. Ўзбекистонда амалий математика ва механиканинг масалаларини математик моделлаштириш, хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар учун қўйилган масалаларни ечиш билан таниқли академиклар В.Қ.Қобулов, Т.Б.Бўриев ва М.Мирсаидов, профессорлар Ф.Б.Бадалов, М.М.Арипов, Р.Д.Алоев, Н.Равшанов, А.А.Халджигитов, Б.Э.Хусанов, Р.А.Абиров ва бошқалар шуғулланишган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университетининг «Амалий математика масалаларини ечишнинг алгоритмлари ва дастурий таъминоти» илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади изотроп ва анизотроп жисмлар учун термоэластик боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган масалаларни сонли ечиш усуллари, алгоритмлари ва дастурий таъминотини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

термоэластик чегаравий масалалар учун ошкор ва ошкормас чекли айирмали тенгламаларни қуриш;

боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган термоэластик чегаравий масалаларни сонли ечишнинг самарадор усулини қуриш;

боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган термоэластик масалаларни сонли ечиш алгоритмлари ва дастурий таъминотини ишлаб чиқиш;

турли иссиқлик ва механик чегаравий шартларда изотроп ва ортотроп параллелепипед, тўғри тўртбурчак ва стержень учун боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган термоэластик масалаларни сонли ечиш;

иссиқликнинг тарқалиши ва унинг изотроп ва анизотроп жисмларнинг кучланганлик-деформацияланиш ҳолатларига таъсирини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти термоэластик изотроп ва анизотроп материаллардан ташкил топган конструкцияларнинг динамик деформацияланиш жараёнларидан иборат.

Тадқиқотнинг предмети термоэластикликнинг боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган чегаравий масалалари кўринишида ифодаланган, изотроп ва анизотроп жисмларнинг чизиқли деформацияланиш жараёнларини сонли моделлаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишида сонли моделлаштириш усулллари, ошкор ва ошкормас чекли-айирмали схемалар, чекли-айирмали тенгламаларни ечишнинг итерацион усуллари, прогонка усули, алгоритмлар назарияси, объектга йўналтирилган дастурлаш технологиялари ва ҳисоблаш экспериментидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

термоэластик чегаравий масалалар учун ошкор ва ошкормас чекли-айирмали схемалар қурилган;

изотроп ва анизотроп жисмлар учун термоэластик боғлиқ ҳамда боғлиқ бўлмаган масалаларни сонли ечиш учун янгича ёндашув таклиф қилинган ва асосланган;

турли иссиқлик ва механик чегаравий шартларда изотроп ва ортотроп параллелепипед, тўғри тўртбучак ва стержень учун термоэластик боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган чегаравий масалалар сонли ечилган;

боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган термоэластик масалаларни сонли ечиш имконини берувчи алгоритмлар ва дастурий таъминот ишлаб чиқилган;

иссиқликнинг тарқалиши ва унинг изотроп ва анизотроп жисмларнинг кучланганлик-деформацияланиш ҳолатига таъсири баҳоланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари изотроп ва анизотроп материаллардан ташкил топган конструкциялар ва уларнинг элементларининг статик ва динамик термомеханик кучлар таъсиридаги мустаҳкамлигини аниқлашда қўлланилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги эластиклик назариясининг чегаравий масаласини сонли ечиш билан олинган ечимни аниқ ечим билан таққослаш, ҳисоблаш экспериментлари ўтказилганлиги ва математик мулоҳазаларнинг қатъийлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти таклиф қилинган сонли усуллар изотроп ва анизотроп жисмлар учун пластик ва термопластик чегаравий масалаларни сонли ечишда фойдаланилиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти таклиф қилинган сонли ечиш усуллари ва олинган натижалар замонавий техник объектлар ва композицион материаллардан ташкил топган иншоотларнинг турли термомеханик кучлар таъсиридаги деформацияланиш жараёнларини сонли моделлаштириш ва уларнинг мустаҳкамлиги ва ишончлилигини аниқлаш учун хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Изотроп ва анизотроп жисмлар учун термоэластик масалаларни сонли моделлаштиришга оид олинган илмий натижалар асосида:

термоэластик масалалар учун ишлаб чиқилган ошкор ва ошкормас чекли-айирмали схемалар Ф4-ФА-Ф049 рақамли «Разработка бимоментной теории изгиба и колебания толстых пластин и оболочек с учетом анизотропных свойств материалов» грант лойиҳасида анизотроп пластиналарнинг чекли-айирмали ҳаракат тенгламаларини қуришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2019 йил 19 мартдаги 2/1255-854-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши бимоментларни ҳисобга олган ҳолда анизотроп пластиналарнинг мажбурий тебраниши масаласини сонли ечиш имконини берган;

термоэластик масалаларни сонли ечиш ва уларнинг натижаларини визуаллаштириш учун ишлаб чиқилган дастурий таъминоти «Сирдарё савдо қурилиш лойиҳа» МЧЖ ва «Мирзачўл агро қурилиш лойиҳа» МЧЖларнинг маъмурий биноларни лойиҳалаштириш ишларида фойдаланилган

(Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг 2019 йил 4 мартдаги 1511/06-18-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши лойиҳалаш ишларининг аниқлиги ва самарадорлигини ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 13 та, жумладан 5 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича 25 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан 1 таси хорижий ва 8 таси республика журналларида нашр этилган, 1 та ЭҲМ учун дастурий маҳсулотга гувоҳнома олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисми, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 113 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мос келиши асосланган. Диссертация мавзуси бўйича чет элдаги илмий тадқиқотларнинг қисқача таҳлили ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси мухокама қилинган, тадқиқотнинг мақсад, вазифалари шакллантирилган, унинг объекти ва предмети кўрсатилган, тадқиқотнинг амалий натижалари ва илмий янгиликлари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг қўлланилиши, диссертация тузилиши ва нашр қилинган илмий ишлар тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Эластиклик ва термоэластиклик назариялари масалаларини сонли ечиш усуллари**» эластиклик назариясининг чегаравий масаласини сонли ечишга янгича ёндашувни таклиф қилиш ва боғлиқ бўлмаган, бундан ташқари қисман боғлиқ термоэластик чегаравий масалалар учун умумлаштиришга бағишланган.

1.1 параграфда изотроп жисмлар учун эластиклик назарияси масаласининг математик ва сонли моделлари икки ўлчовли ҳолда қараб чиқилган. Эластиклик назариясининг чегаравий масалаларини сонли ечиш учун итерация методининг модификацияланган варианти таклиф қилинган. Чегаравий масала мувозанат тенгламаси

$$\sum_{j=1}^{3} \sigma_{ij,j} + X_i = 0 \quad , \quad i=1,2,3 \qquad (1)$$

изотроп жисмлар учун Гук қонуни

$$\sigma_{ij} = \lambda\theta\delta_{ij} + 2\mu\varepsilon_{ij} \qquad (2)$$

Коши муносабати

$$\varepsilon_{ij} = \frac{1}{2}\left(\frac{\partial u_i}{\partial x_j} + \frac{\partial u_j}{\partial x_i}\right) \tag{3}$$

ва чегаравий шартлардан

$$u_i\big|_{\Sigma_1} = u_i^o \quad , \qquad \sum_{j=1}^{3} \sigma_{ij} n_j\big|_{\Sigma_2} = S_i^o \tag{4}$$

ташкил топган. Бу ерда σ_{ij}- кучланишлар тензори, ε_{ij}- деформациялар тензори, u_i- кўчишлар вектори, X_i- хажмий кучлар, λ, μ- Ламе эластик доимийлари, $\theta = \varepsilon_{11} + \varepsilon_{22} + \varepsilon_{33}$, δ_{ij}- Кронекер символи, n_j- Σ_2 сиртга ўтказилган ташқи нормал, S_1, S_2, S_3-ташқи кучлар векторининг элементлари.

(1)-(4) тенгламаларни тўғри тўртбурчак $\Omega = \{0 \le x \le l_1, 0 \le y \le l_2\}$ соҳа учун қуйидаги кўринишга келтириш мумкин

$$\begin{aligned} &(\lambda + 2\mu)\frac{\partial^2 u}{\partial x^2} + (\lambda + \mu)\frac{\partial^2 v}{\partial x \partial y} + \mu \frac{\partial^2 u}{\partial y^2} + X_1 = 0 \\ &(\lambda + 2\mu)\frac{\partial^2 v}{\partial y^2} + (\lambda + \mu)\frac{\partial^2 u}{\partial x \partial y} + \mu \frac{\partial^2 v}{\partial x^2} + X_2 = 0 \end{aligned} \tag{5}$$

Ω соҳанинг чегарасида кўчишларга нисбатан берилган мос чегаравий шартлар

$$\begin{aligned} &u(x,y)\big|_{y=0} = 0, \quad v(x,y)\big|_{y=0} = \sin\frac{\pi x}{l_1}, \quad u(x,y)\big|_{y=l_2} = 0, \quad v(x,y)\big|_{y=l_2} = -\sin\frac{\pi x}{l_1}, \\ &u(x,y)\big|_{x=0} = \sin\frac{\pi y}{l_2}, \quad v(x,y)\big|_{x=0} = 0, \quad u(x,y)\big|_{x=l_1} = -\sin\frac{\pi y}{l_2}, \quad v(x,y)\big|_{x=l_1} = 0. \end{aligned} \tag{6}$$

Эластиклик назариясининг (5-6) масаласи учун чекли-айирмали схема қурамиз.

Тўғри тўртбурчакнинг l_k тамонларини N_k га бўлиб, $h_k = \dfrac{l_k}{N_k}$ ни аниқлаймиз, бу ерда $k = 1,2$. Бу ҳолда тугун нуқталар қуйидагича бўлади $x_i = h_1 \cdot i$, $\quad y_j = h_2 \cdot j$, $i = \overline{0, N_1}$, $j = \overline{0, N_2}$.

(5) тенгламалардаги ҳосилаларни мос айирмали муносабатлар билан алмаштириб, қуйидаги чекли-айирмали тенгмаларга эга бўламиз

$$\begin{aligned} &(\lambda + 2\mu)\frac{u_{i+1,j} - 2u_{i,j} + u_{i-1,j}}{h_1^2} + (\lambda + \mu)\frac{v_{i+1,j+1} - v_{i-1,j+1} - v_{i+1,j-1} + v_{i-1,j-1}}{4h_1h_2} + \\ &+\mu\frac{u_{i,j+1} - 2u_{i,j} + u_{i,j-1}}{h_2^2} + X_1 = 0 \\ &(\lambda + 2\mu)\frac{v_{i,j+1} - 2v_{i,j} + v_{i,j-1}}{h_2^2} + (\lambda + \mu)\frac{u_{i+1,j+1} - u_{i-1,j+1} - u_{i+1,j-1} + u_{i-1,j-1}}{4h_1h_2} + \\ &+\mu\frac{v_{i+1,j} - 2v_{i,j} + v_{i-1,j}}{h_1^2} + X_2 = 0. \end{aligned} \tag{7}$$

(7) тенгламаларни $u_{i,j}$ ва $v_{i,j}$ кўчишларга нисбатан ечамиз, яъни

$$u_{i,j}=(4h_2^2(\lambda+2\mu)(u_{i+1,j}+u_{i-1,j})+4h_1^2\mu(u_{i,j+1}+u_{i,j-1})+h_1h_2(\lambda+\mu)*$$
$$*(v_{i+1,j+1}-v_{i-1,j+1}-v_{i+1,j-1}+v_{i-1,j-1})+X_1)/(8h_2^2(\lambda+2\mu)+8h_1^2\mu) \tag{8}$$
$$v_{i,j}=(4h_1^2(\lambda+2\mu)(v_{i,j+1}+v_{i,j-1})+4h_2^2\mu(v_{i+1,j}+v_{i-1,j})+h_1h_2(\lambda+\mu)*$$
$$*(u_{i+1,j+1}-u_{i-1,j+1}-u_{i+1,j-1}+u_{i-1,j-1})+X_2)/(8h_1^2(\lambda+2\mu)+8h_2^2\mu).$$

(8)- муносабатлар асосида $k=0,1,2,...$ индекс бўйича қуйидаги итерацион жараённи ташкил қиламиз

$$u_{i,j}^{(k+1)}=(4h_2^2(\lambda+2\mu)(u_{i+1,j}^{(k)}+u_{i-1,j}^{(k)})+4h_1^2\mu(u_{i,j+1}^{(k)}+u_{i,j-1}^{(k)})+h_1h_2(\lambda+\mu)*$$
$$*(v_{i+1,j+1}^{(k)}-v_{i-1,j+1}^{(k)}-v_{i+1,j-1}^{(k)}+v_{i-1,j-1}^{(k)})+X_1)/(8h_2^2(\lambda+2\mu)+8h_1^2\mu) \tag{9}$$
$$v_{i,j}^{(k+1)}=(4h_1^2(\lambda+2\mu)(v_{i.j+1}^{(k)}+v_{i,j-1}^{(k)})+4h_2^2\mu(v_{i+1,j}^{(k)}+v_{i-1,j}^{(k)})+h_1h_2(\lambda+\mu)*$$
$$*(u_{i+1,j+1}^{(k)}-u_{i-1,j+1}^{(k)}-u_{i+1,j-1}^{(k)}+u_{i-1,j-1}^{(k)})+X_2)/(8h_1^2(\lambda+2\mu)+8h_2^2\mu).$$

(6)- чегаравий шартлар тугун нуқталарга нисбатан қуйдагича ёзилади

$$u_{i0}^{(0)}=0,\quad v_{i0}^{(0)}=\sin\frac{\pi x_i}{l_1},\ u_{iN_2}^{(0)}=0,\ v_{iN_2}^{(0)}=-\sin\frac{\pi x_i}{l_1},$$
$$u_{0j}^{(0)}=\sin\frac{\pi y_j}{l_2},\ v_{0j}^{(0)}=0,\ u_{N_1j}^{(0)}=-\sin\frac{\pi y_j}{l_2},\ v_{N_1j}^{(0)}=0. \tag{10}$$

Нолинчи яқинлашишда, яъни $k=0$ бўлганда қидирилаётган $u_{ij}^{(0)}$ ва $v_{ij}^{(0)}$ катталикларнинг Ω соҳанинг чегарасидаги тугун нуқталардаги қийматлари (10) чегаравий шартларга асосан аниқланади. Ички тугун нуқталарда эса, нолинчи $(k=0)$ яқинлашишда кўчишларнинг қийматлари нолга тенг деб ҳисобланади. Итерацион жараённи давом эттириб, қидирилаётган u_{ij} ва v_{ij} кўчишларнинг қийматларини ε аниқликда топиш мумкин.

Қуйидаги функциялар

$$u=\cos\frac{\pi x}{l_1}\sin\frac{\pi y}{l_2}\quad,\qquad v=\sin\frac{\pi x}{l_1}\cos\frac{\pi y}{l_2} \tag{11}$$

(6)-чегаравий шартларни ва ҳажмий кучлар қуйидагича бўлганда (5) мувозанат тенгламаларини қаноатлантиради

$$X_1=-(\lambda+2\mu)\frac{\pi^2}{l_1^2}\cos\frac{\pi x_i}{l_1}\sin\frac{\pi y_j}{l_2}-(\lambda+\mu)\frac{\pi^2}{l_1l_2}\cos\frac{\pi x_i}{l_1}\sin\frac{\pi y_j}{l_2}-\mu\frac{\pi^2}{l_2^2}\cos\frac{\pi x_i}{l_1}\sin\frac{\pi y_j}{l_2} \tag{12}$$
$$X_2=-(\lambda+2\mu)\frac{\pi^2}{l_2^2}\sin\frac{\pi x_i}{l_1}\cos\frac{\pi y_j}{l_2}-(\lambda+\mu)\frac{\pi^2}{l_1l_2}\sin\frac{\pi x_i}{l_1}\cos\frac{\pi y_j}{l_2}-\mu\frac{\pi^2}{l_1^2}\sin\frac{\pi x_i}{l_1}\cos\frac{\pi y_j}{l_2}.$$

Модель масала параметрларнинг қуйидаги қийматларида ечилган $\lambda=0.8$, $\mu=0.5$, $l_1=l_2=1$, $N1=N2=10$.

1-жадвал

***u(x,y)* кўчишнинг $\varepsilon=0.001$ бўлгандаги тақрибий қийматлари**

	x=0	x=0.1	x=0.2	x=0.3	x=0.4	x=0.5
y=0	0	0	0	0	0	0
y=0.1	0.3090	0.2939	0.2499	0.1816	0.0955	0
y=0.2	0.5877	0.5593	0.4754	0.3451	0.1813	0
y=0.3	0.8090	0.7706	0.6554	0.4757	0.2498	0
y=0.4	0.9510	0.9068	0.7717	0.5603	0.2943	0

2-жадвал

u(x,y) **аниқ ечимнинг қийматлари**

	x=0	x=0.1	x=0.2	x=0.3	x=0.4	x=0.5
y=0	0	0	0	0	0	0
y=0.1	0.3090	0.2938	0.2500	0.1816	0.0954	0
y=0.2	0.5877	0.5590	0.4755	0.3454	0.1816	0
y=0.3	0.8090	0.7694	0.6545	0.4755	0.2500	0
y=0.4	0.9510	0.9045	0.7694	0.5590	0.2938	0

Чегаравий масаланинг сонли натижаларини аниқ ечим билан солиштириш кўчишларнинг қийматлари етарлича яқинлигини кўрсатди, бу эса олинган натижаларнинг ишончлилигини ва таклиф қилиган сонли ечиш методининг тўғрилигини таъминлайди.

Шундай қилиб, методнинг моҳияти дастлабки тенгламалар ва чегаравий шартлар учун марказий тугун нуқталардаги асосий кўчишларга нисбатан ечилган чекли-айирмали схемалар қуриш ва итерацион жараённи ташкил қилишдан иборат. Бунда, нолинчи яқинлашишда ички нуқталардаги кўчишларнинг қийматлари нолга тенг деб ҳисобланади.

1.2 параграфда термоэластик боғлиқ бўлмаган масала шакллантирилган, уни (1)-(4) масаладаги (2)-муносабат ўрнига Дюгамель-Нейман муносабатидан фойдаланиш орқали олиш мумкин

$$\sigma_{ij} = \lambda\theta\delta_{ij} + 2\mu\varepsilon_{ij} - \left(3\lambda + 2\mu\right)\alpha(T - T_0)\delta_{ij} \qquad (13)$$

бу ерда *T*-температура, T_0-бошланғич температура, α-иссиқлик кенгайиши коэффициенти. Икки ўлчовли ҳолда, мос равишда, томонлари “маҳкамланган” ва “кучдан холи” тўғри тўртбурчаклар учун чекли-айирмали тенгламалар тузилган. Бу тенгламалар биринчи параграфдаги каби қидирилаётган кўчишлар компонентларига нисбатан ечилади ва $\varepsilon = 0.0001$ аниқликда итерацион усулда сонли ечилган.

1.3 параграфда адабиётлардан маълум бўлган, термоэластик параллелепипед ҳақидаги масала, таклиф қилинган итерацион усул асосида сонли ечилган. Бунда, параллелепипеднинг сирти кучлардан холи ва ичкарисида қуйидаги қонуният асосида тарқалган температура берилган деб қаралган

$$T(x_1, x_2, x_3) = T_0 \sin\frac{\pi x_1}{l_1} \sin\frac{\pi x_2}{l_2} \sin\frac{\pi x_3}{l_3} .$$

Олинган сонли натижалар Цаплиннинг ишида келтирилган натижаларга мос келади, бу билан яна бир бор тадбиқ қилинаётган итерацион ёндашувнинг тўғрилиги ўз тасдиқини топади.

1.4 параграфда қисман боғлиқ динамик чегаравий масала шакллантирилган, у қуйидаги ҳаракат тенгламаси

$$\sum_{j=1}^{3} \frac{\partial \sigma_{ij}}{\partial x_i} + X_i = \rho \ddot{u}_i \qquad (14)$$

Дюгамель-Неймана муносабати

$$\sigma_{ij} = \lambda\theta\delta_{ij} + 2\mu\varepsilon_{ij} - \left(3\lambda + 2\mu\right)\alpha(T - T_0)\delta_{ij} \tag{15}$$

Коши муносабати

$$\varepsilon_{ij} = \frac{1}{2}\left(u_{i,j} + u_{j,i}\right) \tag{16}$$

иссиқлик тарқалиши тенгламаси

$$c_\varepsilon \dot{T} = \lambda_0 T_{,ii} \tag{17}$$

бошланғич

$$u_i\Big|_{t=t_0} = \phi_i, \quad \dot{u}_i\Big|_{t=t_0} = \psi_i \;, \; T\Big|_{t=0} = f \tag{18}$$

ва чегаравий

$$u_i\Big|_{\Sigma_1} = u_i^0, \quad \sum_{j=1}^{3}\sigma_{ij}n_j\Big|_{\Sigma_2} = S_i^o \;, \; T\Big|_{\Sigma} = \varphi(t) \tag{19}$$

шартлардан иборат. Бу ерда $c_\varepsilon -$доимий деформацияда иссиқлик сиғими ва $\lambda_0 -$иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти.

Бир ўлчовли ҳолда, чегаравий масала мос равишда, гиперболик ва параболик типдаги хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар системасига келтирилган. Ошкор ва ошкормас чекли-айирмали тенгламалар қурилган. Ошкор чекли-айирмали схемаларни ечишда рекуррент муносабатлар қўлланилган, ошкормас схемалар учун эса 1.1 параграфда таклиф қилинган итерацион жараён тадбиқ қилинган. Иккита метод билан олинган сонли натижаларни таққослаб уларнинг яқинлиги кўрсатилган, бу билан яна бир бор таклиф қилинган янгича ёндашувнинг тўғрилиги тасдиқланади.

Икки ўлчовли статик қисман боғлиқ чегаравий масала учун чекли-айирмали тенгламалар қурилган. Иссиқлик ўтказувчанлик тенгламасига мос чекли-айирмали тенглама фақат температурага боғлиқлигини эътиборга олсак, уни биринчи тенгламадан алоҳида ечиш имконияти мавжуд. Лекин, диссертацияда бу тенгламалар биргаликда қаралган ва бу тенгламаларни ечиш учун таклиф қилинган итерацион усул тадбиқ қилинган. Олинган сонли натижалар жадвалларда келтирилган ва улар асосида температура ва кўчишларнинг қаралаётган соҳада тарқалишини кўрсатувчи графиклар қурилган.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Изотроп жисмлар учун динамик термоэластикликнинг боғлиқ масаларини сонли ечиш**» деб номланган ва боғлиқ термоэластик динамик масалани сонли моделлаштиришга бағишланган. Чегаравий масала бир, икки ва уч ўлчовли ҳолларда қараб чиқилган, ошкор ва ошкормас айирмали схемалар қурилган. Стержен, тўғри тўртбурчак ва параллелепипеднинг термик-деформацияланган ҳолати ҳақида масалалар турли термомеханик чегаравий шартлар асосида сонли ечилган.

2.1 параграфда термоэластик боғлиқ масала шакллантирилган. Бу ҳолда, (14)-(19) масалада (17)-иссиқлик тарқалиши тенгламаси қуйидаги изотроп жисмлар учун иссиқлик оқими тенгламаси билан алмаштирилади

$$\lambda_0 T_{,ii} - c_\varepsilon \dot{T} - \gamma T \dot{\varepsilon}_{ii} = 0 \tag{20}$$

бу ерда $\gamma = (3\lambda + 2\mu)\alpha$. Бу тенгламалар бир ўлчовли ҳолда ёзииб олинган ва улар учун ошкор ва ошкормас айирмали схемалар қурилган. Бу схемалар мос равишда рекуррент муносабатлар ва прогонка усули билан ечилган. Олинган сонли натижаларнинг бир бирига яқинлиги кўрсатилган. Шу параграфда термоэластик боғлиқ масаладаги чизиқли Дюгамель-Нейман тенгламаси ўрнига, ночизиқли Ильюшин тенгламасини олиб термопластик боғлиқ масала қаралган

$$\sigma_{ij} = \lambda\theta\delta_{ij} + 2\mu\varepsilon_{ij} - \left(3\lambda + 2\mu\right)\alpha(T - T_0)\delta_{ij} - 2(\mu - \mu')(1 - \frac{\varepsilon_u^*}{\varepsilon_u})e_{ij} \tag{21}$$

бу ерда μ'-уринма модули, e_{ij}-деформациялар тензори девиатори, $\varepsilon_u = \sqrt{e_{ij}e_{ij}}$ - деформациялар тензори интенсивлиги, ε_u^*-деформациялар бўйича эластиклик чегараси. Бу масала ҳам бир ўлчовли ҳолда қараб чиқилган. Ошкор ва ошкормас схемалар асосида сонли ечимлар олинган ва улар асосида четлари маҳкамланган стерженда иссиқлик таъсирида пайдо бўладиган кўчишлар ва температура тарқалишининг графиклари чизилган.

2.2 параграфда олдинги параграфда шакллантирилган термоэластик боғлиқ динамик масала, икки ўлчовли ҳолда тўғри тўрбурчак соҳа учун қараб чиқилган. Бу ҳолда масала қуйидаги кўринишни олади

$$\left(\lambda + 2\mu\right)\frac{\partial^2 u}{\partial x^2} + \mu\frac{\partial^2 u}{\partial y^2} + \left(\lambda + \mu\right)\frac{\partial^2 v}{\partial x \partial y} - (3\lambda + 2\mu)\alpha\frac{\partial T}{\partial x} = \rho\frac{\partial^2 u}{\partial t^2} \tag{22}$$

$$\left(\lambda + 2\mu\right)\frac{\partial^2 v}{\partial y^2} + \mu\frac{\partial^2 v}{\partial x^2} + \left(\lambda + \mu\right)\frac{\partial^2 u}{\partial x \partial y} - (3\lambda + 2\mu)\alpha\frac{\partial T}{\partial y} = \rho\frac{\partial^2 v}{\partial t^2} \tag{23}$$

$$\lambda_0\left(\frac{\partial^2 T}{\partial x^2} + \frac{\partial^2 T}{\partial y^2}\right) - c_\varepsilon\frac{\partial T}{\partial t} - (3\lambda + 2\mu)\alpha T\left(\frac{\partial^2 u}{\partial x \partial t} + \frac{\partial^2 v}{\partial y \partial t}\right) = 0 \tag{24}$$

мос бошланғич ва чегаравий шартлар билан.

Бу тенгламалардаги ҳосилаларни чекли-айирмали муносабатлар билан алмаштириб, ҳосил бўлган ошкор айирмали тенгламаларни мос равишда $u_{i,j}^{k+1}$, $v_{i,j}^{k+1}$, $T_{i,j}^{k+1}$ ларга нисбатан ечиб қуйидагига эга бўламиз

$$\begin{aligned} u_{i,j}^{k+1} = \frac{\tau^2}{\rho}\Bigg(& (\lambda + 2\mu)\frac{u_{i+1,j}^k - 2u_{i,j}^k + u_{i-1,j}^k}{h_1^2} + \mu\frac{u_{i,j+1}^k - 2u_{i,j}^k + u_{i,j-1}^k}{h_2^2} + \\ & + (\lambda + \mu)\frac{v_{i+1,j+1}^k - v_{i-1,j+1}^k - v_{i+1,j-1}^k + v_{i-1,j-1}^k}{4h_1h_2} - \gamma\frac{T_{i+1,j}^k - T_{i-1,j}^k}{2h_1}\Bigg) + \\ & + 2u_{i,j}^k - u_{i,j}^{k-1} \end{aligned} \tag{25}$$

$$\begin{aligned} v_{i,j}^{k+1} = \frac{\tau^2}{\rho}\Bigg(& (\lambda + 2\mu)\frac{v_{i,j+1}^k - 2v_{i,j}^k + u_{i,j-1}^k}{h_2^2} + \mu\frac{v_{i+1,j}^k - 2v_{i,j}^k + v_{i-1,j}^k}{h_1^2} + \\ & + (\lambda + \mu)\frac{u_{i+1,j+1}^k - u_{i-1,j+1}^k - u_{i+1,j-1}^k + u_{i-1,j-1}^k}{4h_1h_2} - \gamma\frac{T_{i,j+1}^k - T_{i,j-1}^k}{2h_2}\Bigg) + \\ & + 2v_{i,j}^k - v_{i,j}^{k-1} \end{aligned} \tag{26}$$

$$T_{i,j}^{k+1}=\frac{\tau}{c_\varepsilon}\left(\lambda_0\left(\frac{T_{i+1,j}^k-Tu_{i,j}^k+T_{i-1,j}^k}{h_1^2}+\frac{T_{i,j+1}^k-2T_{i,j}^k+T_{i,j-1}^k}{h_2^2}\right)-\right.$$

$$\left.-\gamma T_{i,j}^k\left(\frac{u_{i+1,j}^{k+1}-u_{i-1,j}^{k+1}-u_{i+1,j}^{k-1}+u_{i-1,j}^{k-1}}{4h_1\tau}+\frac{v_{i,j+1}^{k+1}-v_{i,j-1}^{k+1}-v_{i,j+1}^{k-1}+v_{i,j-1}^{k-1}}{4h_2\tau}\right)\right)+T_{i,j}^k \qquad (27)$$

(25)-(27) тенгламалар ёрдамида $u(x,y,t)$, $v(x,y,t)$, $T(x,y,t)$ функцияларнинг t^{k+1} қатламдаги қийматларини олдинги иккита ($k=0$ *ва* $k=1$) қатламлардаги қийматлар, бошланғич ва чегаравий шартларга асосланиб аниқлаш мумкин.

Энди, биринчи бобда келтирилган итерацион жараённи динамик термоэластик боғлиқ масалани сонли ечишга тадбиқ қиламиз. Итерацион жараённи қўллаш учун биз ошкормас чекли айирмали схемалардан фойдаланамиз. Ҳосил бўлган айирмали тенгламаларни мос равишда $u_{i,j,k+1}$, $v_{i,j,k+1}$, $T_{i,j,k+1}$ ларга нисбатан ечиб, қуйидаги итерацион жараённи қурамиз

$$u_{i,j,k+1}^{(n+1)}=\left[(\lambda+2\mu)\frac{u_{i+1,j,k+1}^{(n)}+u_{i-1,j,k+1}^{(n)}}{h_1^2}+(\lambda+\mu)\frac{v_{i+1,j+1,k}-v_{i-1,j+1,k}-v_{i+1,j-1,k}+v_{i-1,j-1,k}}{4h_1h_2}+\right.$$

$$\left.+\mu\frac{u_{i,j+1,k+1}^{(n)}+u_{i,j-1,k+1}^{(n)}}{h_2^2}-(3\lambda+2\mu)\alpha\frac{T_{i+1,j,k}-T_{i-1,j,k}}{2h_1}+\rho\frac{2u_{i,j,k}-u_{i,j,k-1}}{\tau^2}\right]/\left[\frac{2(\lambda+2\mu)}{h_1^2}+\frac{2\mu}{h_2^2}+\frac{\rho}{\tau^2}\right] \qquad (28)$$

$$v_{i,j,k+1}^{(n+1)}=\left[(\lambda+2\mu)\frac{v_{i,j+1,k+1}^{(n)}+v_{i,j-1,k+1}^{(n)}}{h_2^2}+(\lambda+\mu)\frac{u_{i+1,j+1,k}-u_{i-1,j+1,k}-u_{i+1,j-1,k}+u_{i-1,j-1,k}}{4h_1h_2}+\right.$$

$$\left.+\mu\frac{v_{i+1,j,k+1}^{(n)}+v_{i-1,j,k+1}^{(n)}}{h_1^2}-(3\lambda+2\mu)\alpha\frac{T_{i,j+1,k}-T_{i,j-1,k}}{2h_2}+\rho\frac{2v_{i,j,k}-v_{i,j,k-1}}{\tau^2}\right]/\left[\frac{2(\lambda+2\mu)}{h_2^2}+\frac{2\mu}{h_1^2}+\frac{\rho}{\tau^2}\right] \qquad (29)$$

$$T_{i,j,k+1}^{(n+1)}=\left[\lambda_0\left(\frac{T_{i+1,j,k+1}^{(n)}+T_{i-1,j,k+1}^{(n)}}{h_1^2}+\frac{T_{i,j+1,k+1}^{(n)}+T_{i,j-1,k+1}^{(n)}}{h_2^2}\right)+c_\varepsilon\frac{T_{i,j,k-1}}{2\tau}-\right.$$

$$-\gamma T_{i,j,k}\left(\frac{u_{i+1,j,k+1}-u_{i-1,j,k+1}-u_{i+1,j,k-1}+u_{i-1,j,k-1}}{4h_1\tau}+\right. \qquad (30)$$

$$\left.\left.+\frac{v_{i,j+1,k+1}-v_{i,j-1,k+1}-v_{i,j+1,k-1}+v_{i,j-1,k-1}}{4h_2\tau}\right)\right]/\left[\frac{2\lambda_0}{h_1^2}+\frac{2\lambda_0}{h_2^2}+\frac{c_\varepsilon}{2\tau}\right].$$

Тўғри тўртбурчак соҳа учун боғлиқ термоэластик масалани ечишда бошланғич ва чегаравий шартларнинг дискрет шакли қуйидагича бўлади:

$$u_{ij}^0=0,\quad \frac{u_{ij}^1-u_{ij}^0}{\tau}=0,\quad v_{ij}^0=0,\quad \frac{v_{ij}^1-v_{ij}^0}{\tau}=0,$$

$$u_{0j}^k=0,\quad u_{N_1j}^k=0,\quad u_{i0}^k=0,\quad u_{iN_2}^k=0, v_{0j}^k=0,\quad v_{N_1j}^k=0,\quad v_{i0}^k=0,\quad v_{iN_2}^k=0,$$

$$T_{ij}^0=T_0+T_0\sin\left(\frac{\pi x_i}{l_1}\right)\sin\left(\frac{\pi y_j}{l_2}\right),\ T_{0j}^k=0,\quad T_{N_1j}^k=0,\quad T_{i0}^k=0,\quad T_{iN_2}^k=0.$$

Бошланғич параметрлар сифатида қуйидаги қийматлар олинган $\lambda = 0.78$, $\lambda_0 = 0.06$, $\alpha = 0.05$, $\mu = 0.5$, $\rho = 0.86$, $c_\varepsilon = 3.4$, $T_0 = 15$, $h_1 = 0.1$, $h_2 = 0.1$, $\tau = 0.01$, $\ell_i = 1$.

а) Ошкор схема **б) Ошкормас схема**



1-расм. Тўғри тўртбурчак соҳада *u(x,y,t)* **кўчишларнинг тарқалиши ($t = 0.1$ бўлганда)**

а) Ошкор схема **б) Ошкормас схема**



2-расм. Тўғри тўртбурчак соҳада *v(x,y,t)* **кўчишларнинг тарқалиши ($t = 0.1$ бўлганда)**

а) Ошкор схема **б) Ошкормас схема**



3-Расм. Тўғри тўртбурчак соҳада *T(x,y,t)* **температуранинг тарқалиши ($t = 0.1$ бўлганда)**

Кўчишлар вектори ва температуранинг қийматлари учун 1-3- расмларни таққослаш, ошкор ва ошкормас схемалар асосида $t = 0.1$ бўлгандаги олинган сонли ечимлар бир-бирига яқинлигини ва катта аниқликда усма-уст тушишини кўрсатмоқда.

2.3 параграфда изотроп параллелепипед учун боғлиқ динамик термоэластик масала қараб чиқилган. Бу жараённи ифодаловчи тенгламалар тўртта хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалардан иборат системани ташкил қилади, уларнинг дастлабки учтаси гиперболик ва тўртинчиси параболик типга тегишли. Ошкор ва ошкормас чекли айирмали тенгламалар қурилган. Ошкор схемалар кўчишлар ва температуранинг мос тугун нуқталардаги қийматларига нисбатан ечилган, бу эса қидирилаётган катталикларни ҳисоблаш имкониятини беради. Ошкормас айирмали тенгламалар прогонка ва итерация усуллари билан ечилган. Таққослаш учун параллелепипеднинг айрим кесимларидаги кўчишларнинг қийматлари асосида графиклар қурилган.

Учинчи боб «**Анизотроп жисмлар учун термоэластикликнинг боғлиқ динамик масалалари**» анизотроп жисмлар учун боғлиқ динамик термоэластик масалаларни сонли ечишга бағишланган. Ортотроп тўғри тўртбурчак, марказида тўғри тўртбурчак шаклидаги тешик мавжуд тўғри тўртбурчак ва параллелепипед учун боғлиқ термоэластик масалалар қаралган. Бундан ташқари, боғлиқ ва боғлиқмас термоэластик масалаларни турли термомеханик чегаравий шартларда сонли ечишга мўлжаллаб ишлаб чиқилган дастурий таъминотдан фойдаланиш бўйича кўрсатма келтирилган.

3.1 параграфда ортотроп тўғри тўртбурчак ҳақидаги термоэластикликнинг икки ўлчовли боғлиқ масаласи шакллантирилган ва сонли ечилган.

Бу ҳолда анизотроп жисмлар учун Дюгамель-Нейман муносабати ва иссиқлик оқими тенгламаси қуйидаги кўринишда бўлади

$$\sigma_{ij} = C_{ijkl}\varepsilon_{kl} - \beta_{ij}(T - T_0)\delta_{ij} \tag{31}$$

$$\lambda_{ij}T_{,ij} - c_{\varepsilon}\dot{T} - T\cdot\beta_{ij}\cdot\dot{\varepsilon}_{ij} = 0 \tag{32}$$

бу ерда C_{ijkl} −жисмнинг механик хоссаларини билдирувчи тензор ва β_{ij} −иссиқлик кенгайиши тензори.

Ошкор ва ошкормас чекли-айирмали тенгламамлар қурилган. Ошкормас айирмали тенгламаларни ечиш учун итерация ва прогонка усуллари қўлланилган. Ошкор айирмали тенгламаларни ечишда эса, рекурент формулалардан фойдаланилган. Олинган сонли ечимлар асосида қаралаётган соҳада кўчишлар ва температуранинг тарқалишининг графиклари қурилган ва солиштирилган.

3.2 параграфда мураккаб тузилишга эга жисм учун боғлиқ термоэластик динамик масала ечилган. Тўғри тўртбурчакнинг марказида тўғри тўртбурчак шаклидаги тешик соҳа учун икки ўлчовли термоэластик боғлиқ чегаравий масала қараб чиқилган. Олинган сонли ечимлар асосида марказида тўғри тўртбурчак шаклидаги тешик бўлган тўғри тўртбурчак соҳада кучланишларнинг тарқалиши келтирилган.

3.3 параграфда термомеханик кучлар таъсири остидаги, четлари маҳкамланган термоэластик ортотроп параллелепипед ҳақидаги масала сонли ечилган. Кўчишлар ва температурага нисбатан ёзилган ортотроп жисмлар учун умумлашган термоэластик боғлиқ динамик чегаравий масала қуйидагича ифодаланади: ҳаракат тенгламаси

$$\begin{cases} C_{1111}\dfrac{\partial^2 u}{\partial x^2}+C_{1212}\dfrac{\partial^2 u}{\partial y^2}+C_{1313}\dfrac{\partial^2 u}{\partial z^2}+(C_{1122}+C_{1212})\dfrac{\partial^2 v}{\partial x\partial y}+(C_{1133}+C_{1313})\dfrac{\partial^2 w}{\partial x\partial z}-\beta_{11}\dfrac{\partial T}{\partial x}=\rho\dfrac{\partial^2 u}{\partial t^2} \\ C_{1212}\dfrac{\partial^2 v}{\partial x^2}+C_{2222}\dfrac{\partial^2 v}{\partial y^2}+C_{2323}\dfrac{\partial^2 v}{\partial z^2}+(C_{2211}+C_{1212})\dfrac{\partial^2 u}{\partial x\partial y}+(C_{2233}+C_{2323})\dfrac{\partial^2 w}{\partial y\partial z}-\beta_{22}\dfrac{\partial T}{\partial y}=\rho\dfrac{\partial^2 v}{\partial t^2} \\ C_{1313}\dfrac{\partial^2 w}{\partial x^2}+C_{2323}\dfrac{\partial^2 w}{\partial y^2}+C_{3333}\dfrac{\partial^2 w}{\partial z^2}+(C_{3311}+C_{1313})\dfrac{\partial^2 u}{\partial x\partial z}+(C_{3322}+C_{2323})\dfrac{\partial^2 v}{\partial y\partial z}-\beta_{33}\dfrac{\partial T}{\partial z}=\rho\dfrac{\partial^2 w}{\partial t^2} \end{cases} \quad (33)$$

иссиқлик оқими тенгламаси

$$\lambda_{11}\frac{\partial^2 T}{\partial x^2}+\lambda_{22}\frac{\partial^2 T}{\partial y^2}+\lambda_{33}\frac{\partial^2 T}{\partial z^2}-c_{\varepsilon}\frac{\partial T}{\partial t}-T_0\left(\beta_{11}\frac{\partial^2 u}{\partial x\partial t}+\beta_{22}\frac{\partial^2 v}{\partial y\partial t}+\beta_{33}\frac{\partial^2 w}{\partial z\partial t}\right)=0 \quad (34)$$

ва мос бошланғич ва чегаравий шартлар.

Ошкор ва ошкормас чекли-айирмали тенгламалар қурилган ва итерацион усулда, прогонга усулида ва рекурент муносабатлардан фойдаланиб сонли ечилган. Температура ва кўчишларнинг тарқалишини ифодаловчи графиклар вақтга боғлиқ равишда координата ўқлари бўйича қурилган.

Модель масала қуйидаги бошланғич,

$$u(x,y,z,t)\big|_{t=0}=0,\ v(x,y,z,t)\big|_{t=0}=0,\ w(x,y,z,t)\big|_{t=0}=0 \ ,$$

$$\left.\frac{\partial u}{\partial t}\right|_{t=0}=\varphi_1,\quad \left.\frac{\partial v}{\partial t}\right|_{t=0}=\varphi_2,\quad \left.\frac{\partial w}{\partial t}\right|_{t=0}=\varphi_3,\quad T(x,y,z,t)\big|_{t=0}=T_0$$

чегаравий шартлар

$$u(x,y,z,t)\big|_{\Sigma}=0,\ v(x,y,z,t)\big|_{\Sigma}=0,\ w(x,y,z,t)\big|_{\Sigma}=0,\ T(x,y,z,t)\big|_{y=0}=T_0,$$

$$T(x,y,z,t)\big|_{y=l_2}=T_0,\ T(x,y,z,t)\big|_{z=0}=T_0,\ T(x,y,z,t)\big|_{z=l_3}=T_0,$$

$$T(x,y,z,t)\big|_{x=0}=T_0+T_0\sin(\frac{\pi y}{l_2})\sin(\frac{\pi z}{l_3}),\ T(x,y,z,t)\big|_{x=l}=T_0+T_0\sin(\frac{\pi y}{l_2})\sin(\frac{\pi z}{l_3})$$

ва қуйидаги параметрлардан фойдаланган ҳолда сонли ечилган

$\lambda_{11}=0.3,\quad \lambda_{11}=0.7,\ \lambda_{11}=1.1,\ \beta_{11}=1.5,\ \beta_{22}=0.5,\ \beta_{33}=0.9,\ Ce=3.5,\ T_0=10,$ $h_1=0.1,\ h_2=0.1,\ h_3=0.1,\ \tau=0.01,\ \rho=1,\ \ell_1=\ell_2=\ell_3=1,\ C_{1111}=1.8,\ C_{2222}=2{,}02,$ $C_{3333}=2.76,\quad C_{1122}=0.998,\quad C_{1133}=1.01,\quad C_{2211}=C_{1122},\quad C_{3311}=C_{1133},\quad C_{2233}=1.07,$ $C_{3322}=C_{2233},\ C_{2323}=0.623,\ C_{1313}=0.561,\ C_{1212}=0.452.$

3-жадвал

***u(x,y,z,t)* кўчишларнинг *z=0.4* ва *t=0.05* бўлгандаги қийматлари**

	x=0.1, y=0.9	x=0.4, y=0.4	x=0.2, y=0.3
Ошкор схема	0.02441	0.00044	0.01003
Ошкормас схема	0.02337	0.00043	0.01125

4-жадвал

$T(x,y,z,t)$ **температуранинг** $z=0.7$ **ва** $t=0.08$ **бўлгандаги қийматлари**

	x=0.1, y=0.9	x=0.5, y=0.5	x=0.2, y=0.3
Ошкор схема	10.72266	10.38824	10.24647
Ошкормас схема	10.75615	10.17778	10.20100

3.4 параграфда Delphi7 муҳитида яратилган дастурлар мажмуидан фойдаланиш бўйича кўрсатмалар келтирилган «*Комплекс программ для численного решения задач термоупругости*».



4-расм. Бош ойна (масалани танлаш)



5-расм. 2D изотроп жисмлар учун термоэластик боғлиқ масалаларни ечиш модули

Мазкур дастурлар мажмуидан, композицион материаллардан ташкил топган конструкциялар ва улар элементларининг турли иссиқлик ва механик кучлар таъсиридаги мустаҳкамлик захираларини ҳисоблашда фойдаланиш мумкин.

ХУЛОСА

Диссертация изотроп ва анизотроп жисмлар учун термоэластик боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган масалаларни сонли моделлаштиришга бағишланган. Диссертация ишининг асосий натижалари қуйидагилардан иборат:

1. Изотроп ва анизотроп жисмлар учун термоэластик боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган чегаравий масалаларнинг математик моделлари шакллантирилган.
2. Изотроп ва анизотроп жисмлар учун термоэластик боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган чегаравий масалаларнинг сонли моделлари ишлаб чиқилган.
3. Изотроп ва анизотроп жисмлар учун термоэластик боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган чегаравий масалалар учун ошкор ва ошкормас чекли-айирмали схемалар қурилган.
4. Термоэластик боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган чегаравий масалаларни сонли ечиш учун янгича ёндашув таклиф қилинган ва асосланган.
5. Турли иссиқлик ва механик чегаравий ва бошланғич шартларда изотроп ва ортотроп параллелепипед, тўғри тўртбурчак ва стержень учун боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган термоэластик чегаравий масалалар сонли ечилган.
6. Ильюшин деформацион назариясига асосланган бир ўлчовли термопластик боғлиқ динамик масала сонли ечилган.
7. Боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган термоэластик масалаларни сонли ечишга мўлжалланган алгоритмлар ва дастурий таъминот ишлаб чиқилган.
8. Иссиқлик ва кўчишларнинг тарқалиши ва уларнинг изотроп ва анизотроп жисмларнинг кучланганлик ва деформацияланиш ҳолатларига таъсири баҳоланган.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.FM.01.02
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА

НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА

КАЛАНДАРОВ АЗИЗ АБДУКАЮМОВИЧ

ЧИСЛЕННОЕ МОДЕЛИРОВАНИЕ ТЕРМОУПРУГИХ ЗАДАЧ ДЛЯ ИЗОТРОПНЫХ И АНИЗОТРОПНЫХ ТЕЛ

05.01.07- Математическое моделирование. Численные методы и комплексы программ

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИМ НАУКАМ

ТАШКЕНТ-2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2019.1.PhD/FM323.

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана имени Мирзо Улугбека.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (http://ik-fizmat.nuu.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:	**Халджигитов Абдували Абдисаматович** доктор физико-математических наук, профессор
Официальные оппоненты:	**Алоев Рахматилло Джураевич** доктор физико-математических наук, профессор
	Абиров Рустам Абдуллаевич доктор физико-математических наук
Ведущая организация:	**Каршинский государственный университет**

Защита диссертации состоится «___» ________ 2019 года в ___ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.FM.01.02 при Национальном университете Узбекистана (Адрес: 100174, г.Ташкент, Алмазарский район, ул. Университетская, 4. Тел.: (+99871) 227-12-24, факс: (+99871) 246-53-21, e-mail: nauka@nuu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирована за №____). (Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Университетская, 4. Тел.: (+99871) 246-02-24).

Автореферат диссертации разослан «___»_________ 2019 года.
(протокол рассылки № 13 от 29 июня 2019 года).

А.Р.Марахимов
Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

З.Р.Рахмонов
Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, д.ф.-м.н.

М.Арипов
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.ф.-м.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии(PhD))

Актуальность и востребованность диссертации. В мире во многих областях науки и техники, научные и практические исследования часто сводятся к решению связанных или несвязанных задач термоупругости и оценке влияния распределения температуры на напряжённо-деформированное состояние изотропных и анизотропных тел. Термоупругие процессы и их математические модели являются объектом прикладной математики, вычислительной математики, математического моделирования и объектно-ориентированного программирования. Во многих случаях для численного решения задач термоупругости и опреления надёжности элементов конструкций используются конечно-разностные методы. Поэтому исследование процесса распространения тепла с учетом напряжения, деформации и температуры, а также электромагнитных и пьезоэлектрических свойств, с целью построения алгоритмов численного решения и создания комплекса прикладных программ является одной из важнейших задач.

Мировой опыт показывает что, при численном решении связанных и несвязанных задач термоупругости проведение вычислений с использованием конечно-разностных методов, явных и неявных разностных схем, являются актуальными задачами прикладной математики. В этом случае, особое значение приобретают конечно-разностные методы, как средство вычисления распространения тепла вызывающее возникновение в теле напряжений, деформаций и других полей. В этой связи актуальной является задача построения численных моделей термоупругих задач для изотропных и анизотропных тел, а также задача создания соответствующего комплекса программ, ориентированный на широкий круг пользователей, имеющий удобный интерфейс.

В нашей стране усилено внимание научным направлениям прикладной математики, которые имеют важное научное и прикладное значение для фундаментальных наук. Широкое применение конечно-разностные методы, явные и неявные разностные схемы, итерационные методы решения конечно-разностных уравнений нашли в задачах теории упругости и термоупругости. Здесь получены результаты по решению задач теории и практики термоупругости признанные, как актуальные, со стороны отечественных и зарубежных специалистов. Проведение научных исследований на международном уровне по важным направлениям «Математической физики, прикладной математики и математического моделирования» выделено как основная задача фундаментальных исследований[1]. Важное значение для обеспечения исполнения данного постановления имеет развитие теории математического моделирования задач термоупругости.

[1] Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан №292 «О мерах по организации деятельности вновь созданных научно-исследовательских учреждений Академии наук Республики Узбекистан» от 18 мая 2017 года.

Эта диссертация, в определенной степени, служит осуществлению задач, обозначенных в Указе Президента Республики Узбекистан №-УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», в Постановлении №-ПП-2789 от 17 февраля 2017 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Академии наук, организации, управления и финансирования научно-исследовательской деятельности», №-ПП-2909 от 20 апреля 2018 года «О мерах по дальнейшему системы высшего образования», №-ПП-3682 от 27 апреля 2018 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы практического внедрения инновационных идей, технологий и проектов», доклад Президента Республики Узбекистан Ш.Мирзиёева 24 мая 2019 года на встрече с представителями науки и образования в Национальном университете Узбекистана, а также в других нормативно-правовых актах по данной деятельности.

Соответствие исследований приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий в Республике Узбекистан IV. «Математика, механика и информатика».

Степень изученности проблемы. Математические модели описывающие процесс распространения тепла были впервые рассмотрены в работе Дюгамеля–Неймана, в которой предполагалось, что полная деформация состоит из упругой деформации и теплового расширения. Обзору основных моделей и методов термоупругости посвящены работы В.Г.Карнаухова, А.Д.Коваленко и др. Термомеханическое поведение деформируемых твёрдых тел с учетом внешних механических сил, тепловых и электромагнитных полей исследованы в работах С.А.Амбарцумяна, А.Н.Гузя, Ф.Г.Махорта, В.Новацкого, В.З.Партона, Б.А.Кудрявцева, В.И.Дресвянникова и др.

